

# МУГАЛЛИМ ҲӘМ ҮЗЛИКСИЗ БИЛИМЛЕНДИРИҮ



ISSN 2181-7138

№ 5 2021 жыл

## Илимий-методикалық журнал

**Редактор:**  
**A. Тилегенов**

**Редколлегия ағзалары:**  
Максет АЙЫМБЕТОВ  
Нагмет АЙЫМБЕТОВ  
Кеңесбай АЛЛАМБЕРГЕНОВ  
Дилшодхұја АЙТБАЕВ  
Гүлбахар АБЫЛОВА  
Өсербай ӘЛЕҮОВ  
Асқар ДЖУМАШЕВ  
Гүлнара ЖУМАШЕВА  
Батырбек КАЙПЕРГЕНОВ  
Амангелди КАМАЛОВ  
Сарсен КАЗАХБАЕВ  
Гулмира КАРЛЫБАЕВА  
Сабит НУРЖАНОВ  
Уролбой МИРСАНОВ  
Арзы ПАЗЫЛОВ  
Зухра СЕИТОВА  
Айдын СУЛТАНОВА  
Тажибай УТЕБАЕВ  
Ризамат ШОДИЕВ  
Ойбахор ШАМИЕВА  
Бекзод ХОДЖАЕВ  
Дўстназар ХИММАТАЛИЕВ  
Гулрухсөр ЭРГАШЕВА

**Шөлкемлестириүшилер:**  
**Қарақалпақстан Республикасы**  
**Халық билимлендіриү**  
**Министрлігі, ӨЗПИИ**  
**Қарақалпақстан филиалы**

**Өзбекстан Республикасы**  
**Министрлөр Кабинети**  
**жанындағы Жоқарғы**  
**Аттестация Комиссиясы**  
**Президиумының 25.10.2007**  
**жыл (№138) қарары менен**  
**дизимге алынды**

**Қарақалпақстан Баспа сөз ҳәм**  
**хабар агентлиги тәрепинен**  
**2007-жылы 14-февральдан дизимге**  
**алынды №01-044-саналы гүйалық**  
**берилген.**  
**Мәнзил: Нөкис қаласы,**  
**Ерназар Алакөз көшеси №54**  
**Тел.: 224-23-00**  
**e-mail: uznipnkf@mail.uz,**  
**mugallim-pednauk@mail.uz**  
**www.mugallim-uziksiz-bilim.uz**

*Журналга келген мақалаларға жеүап қайтарылмайды, журналда жетрояланған мақалалардан алтынған үзиндилер «Мугаллим ҳәм үзликсиз билимлендіриү» журналынан алыны, деп корсетилиғи шарт. Журналға 5-бет колеміндеғи материаллар еки интервалда TIMES NEW ROMAN ширифтінде электрон версиясы менен бирге қабыл етіледи. Мақалада көлтирилген мәглүмәттерге автор жуықтаныпкер.*

## МАЗМУНЫ

### ТИЛ ҲӘМ ӘДЕБИЯТ

|  |    |
|--|----|
| Mambetov Q. Lirikalıq poema .....  | 4  |
| Johimbetova Sh. G. Dáwletovanıň poeziyasınıň leksikalıq-cemantikalıq ózgesheliklerileri .....              | 10 |
| Тошпұлатова Д. Улугбек ҳамдам насира мұаллиф дүнәрхарашы ифодасининг<br>поэтик талкими .....               | 15 |
| Абдуллаев А.А. “Бобурнома”да тошкент вилюяты топонимлари хакидаги маълумотлар .....                        | 18 |
| Seytova D.U., Jumabayeva A.B. Tleybayeva G.M. The basic ways of forming words in<br>english language ..... | 22 |
| Sarsenbaeva Z. Factors in improving linguocultural competence .....  | 26 |

### ПЕДАГОГИКА, ПСИХОЛОГИЯ

|   |    |
|---|----|
| Ярматов Р.Б., Ахмедова М.Х. Замонавий педагогик технологиялар ассоцида дарслар<br>самарадорлыгини ошириш .....        | 30 |
| Қодирова Ф.У. Таълим кластери шароитида инклозив таълим самарадорлыгини<br>oshireshi .....                            | 36 |
| Ботиррова Ш.И. Педагогик таълим инновацион кластери таълимда ижтимоий шериклик<br>тамоили .....                       | 40 |
| Mirzraxmonova Sh. M. Talabalar kasbiy shakllanishida shaxs yo'nalganlik motivlarini<br>ahamiyati .....                | 43 |
| Safo Matjon Ta'llim bosqichlarida kitobxonlik va mutolaa madaniyatini shakllantirish .....                            | 45 |
| Тожибоева Г.Р., Бекирова Э. Общие педагогические компетенции учителя начальных<br>классов .....                       | 49 |
| Матизарова К.О. Талабаларининг касбий-амалий кўникмаларини шакллантириш<br>жараёшлари .....                           | 54 |
| Байжанов Т.Ж. Педагогические системы компетентного подхода преподавания<br>туркменского языка в Каракалпакстане ..... | 60 |
| Бабашев Ф.А. Медиаобразование – неотъемлемая часть непрерывного образования .....                                     | 63 |
| Турымбетова З.Ю. Тенденции развития высшего образования .....   | 68 |
| Урозбоев Н.У. Развитие ответственности и инициативы будущего учителя в условиях<br>обучения в ВУЗе .....              | 72 |
| Турымбетова З.Ю. Сравнительная характеристика систем образования США,<br>Германии и Японии .....                      | 75 |
| Дошиязов Ж.К. Принципы и формы традиционной культуры каракалпаков<br>в контексте трудового воспитания .....           | 79 |

### МИЛЛИЙ ИДЕЯ ҲӘМ РУЎХЫЛЫҚ ТИЙКАРЛАРЫ, ТАРИЙХ, ФИЛОСОФИЯ

|  |    |
|--|----|
| Kosbergenov B. Demokratiya hám qádriyat .....  | 84 |
| Nizomov A., Mahmudova Ch.I. Mahmud Koshg'ariyning “Devonu lug'atit turk”<br>asari haqida ..... | 87 |
| Ахмаджонов Д.Б. Бағрикенглиқ сиёсати ва ахборот хуружи .....                                   | 92 |

тафсилотларни ёзувчи қаламга олганлигидан ҳам кучли хис этади. Айсберг сузид юришининг улуғворлиги шундан иборатки, унинг фақат саккиздан бир кисми сув юзасида қад ростлаб туради". Бинобарин, "Айсберг қоидаси" бадий ижоднинг турли жанрларида кузатилади.

Хулоса шуки, У.Ҳамдам кўпинча кўп нукталар билан иш кўради. Адибнинг бирон фикрни баён килиб келаётib, бошқа бир янги воқеликни ҳикоя килиши, қаҳрамоннинг чигал тақдирининг ҳар қуни ҳар хил равишда содир бўладиган кайфиятининг "марказий белгиси" деб баҳолаш лозим. Кўп нукталар моҳиятида сизу бизга айтмоқчи бўлган "муҳим гапи"ни англаш мураккаблик туғдирмайди. С.Денисова ҳам бадий ижод психологиясида рўй берадиган асл ҳолатни шу йўсинда баҳолashi тўғри.

#### Адабиётлар:

1. Есин И.А. Принципы и приемы анализа литературного произведения: учеб.пособие.– М., 2000. – С. 167.
2. Норматов У. Ижод сехри. –Т: "Шарк". 2007. –Б.235.
3. Алимасов В. Фалсафа ёхуд фикрлар санъати. – Ташкент: Noshir, 2008. – Б. 25;
4. Жўраев Т. Онг оқими модерн. – Фарғона: фарғона,ф 2009. – Б. 204; Холбеков М. XX аср модерн адабиёти манзаралари. – Ташкент: Mumtoz so'z, 2014. – Б. 388;
5. Йўлдошев К. Ёник сўз. – Ташкент: Янги аср авлоди, 2006. – Б. 546 ;
6. Жўракулов У. Ҳудудсиз жилва. – Ташкент: Фан. 2006. – Б. 204;
7. Қуронов Д. Завқимдан бир шингил. –Т: "Akademnashr", 2015. -Б.56.
8. Эрих Фромм. Инсон қалби. –Т: "Ўзбекистон". 2016. –Б.63.
9. Денисова Т. Секрет "айсбера": О художественной особенности прозы Э.Хемингэя // Литературная учёба, 1980, № 5.

#### РЕЗЮМЕ

Ушбу маколада янги наср бадий такомилда ўзига хос ўрин эгаллаган истеъоддли ёзувчи Улугбек Ҳамдам ижоди мисолида сўз юритилади. Онг ва туйгу нисбати, муаллиф образи ва дунёкараши асарда акс этиш тизимлари атрофична ўрганилди. Айниска, ижодий ниятнинг бадий бутунлигини таъминловчи катор назарий-илмий омиллар таддик килинди.

#### РЕЗЮМЕ

В статье рассматривается творчество Улугбека Ҳамдама, талантливого писателя, занимающего особое место в художественном развитии новой прозы. Детально изучены соотношение сознания и эмоции, авторский образ и мировоззрение, системы отражения в спектакле. В частности, изучен ряд теоретических и научных факторов, обеспечивающих художественную целостность творческого замысла.

#### SUMMARY

The article examines the work of Ulugbek Hamdam, a talented writer who occupies a special place in the artistic development of new prose. The relationship between consciousness and emotion, the author's image and worldview, and the systems of reflection in the play have been studied in detail. In particular, a number of theoretical and scientific factors have been studied that ensure the artistic integrity of the creative concept.

---

## “БОБУРНОМА”ДА ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ТОПОНИМЛАРИ ХАҚИДАГИ МАЪЛУМОТЛАР

*Абдуллаев А.А.*

*Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти таянч докторантни*

*Таянч сўзлар: "Бобурнома", "Вақоев", Тошканд, Оҳангарон, Бўка, Пискент.*

*Ключевые слова: "Бабурнаме", "Вакоев", Ташканд, Ахангарон, Бука, Пискент.*

*Key words: "Boburnoma", "Vaqoe", Toshkand, Ahangaron, Boka, Piskent.*

Ҳар бир ҳалкнинг давлатчилик тарихида унинг ижтимоий-социал феномени, маданий-миллий қиёфасини аниқ белгиловчи улуғ шоҳлари, саркарда ва давлат арабблари, буюк олимлари, йирик адаб ва шоиrlари бўлади. Инсониятнинг аба-

диятга мансуб ана шундай буюк сиймолари каторида шох ва шоир, буюк саркарда Захирийдин Мұхаммад Бобур ҳам ўз ўрнига ега. Инсоният тарихида ҳазрат Бобурдек улкан иқтідор ва истеъдод ҳамда энг улуг инсоний фазилаттарға ега шахслар жуда кам учрайди. “Bobur — buyuk podshoh, mumtoz shoir, nazariyotchi adabiyotshunos, faqih, tilshunos, san’atshunos, etnograf, hayvonot va nabotot olamining bilimdoni sifatida ko‘pqirrali faoliyat va ijod sohibi edi” [1, 3]. Буюк ижодкор қаламига мансуб биргина «Бобурнома» асари унинг йигирмадан ортиқ соҳаларға кизиққанлигига яққол мисол бўла олади.

Шох ва шоир, улуг саркарда Бобурнинг дастлаб «Вақоє» (Воксалар), кейинчалик «Бобурнома» номи билан шуҳрат қозонган мемуар асари Захирийдин Мұхаммад Бобурнинг ўша даврдаги ижтимоий зиддиятлар куршовида кечирган онгли ҳаёти ва фаолияти мухим қисменинг кундаликсимон баённидир. Шунинг учун шоир ўзининг мазкур асари ва унинг ўз ҳаётига нечоғли даҳлдорлиги хусусида бир рубойисида шундай ёзди:

*Бу олам аро ажаб аламлар кўрдум,  
Олам элидин турфа ситамлар кўрдум,  
Ҳар ким бу «Вақоє»ни ўқур, билгайким:  
Не ранж-у, не меҳнат-у, не гамлар кўрдум.*

Кўплаб фан соҳалари ҳақида нодир маълумотлар жамланмаси саналмиш «Бобурнома»нинг катта илмий маълумотлар базасига эга эканлиги ва улар ҳозирлиги тармоқлаштан фанларнинг эллитика яқин соҳаларига мансублигини инобатга олсан, «Бобурнома»ни комусий — энциклопедик асар, дейиш учун етарли асос борлиги аён бўлади.

Асарда бошқа фанлар каторида тиљшуносликнинг ономастика, хусусан, топонимика соҳасига оид кўплаб кимматбаҳо маълумотлар берилган. Жой номлари ҳақида асарда маълумот келтирилганда Бобур сўзнинг этимологик маъноси ҳамда ўша даврда ҳалқ тилида истилоҳда бўлган лексикаси ҳақида ҳам маълумот беришга ҳаракат қиласди. Бобур жой номлари (топонимлар)ни ареалига нисбатан текширганда ўша сўзнинг келиб чиқиши, ясалиши ва ном қўйилишига нисбатан тарихан-этимологик жиҳатдан ёндашади. Масалан, «Шаҳрисабз» шаҳри номининг келиб чиқиши ҳақида муаллиф «Бобурнома»да кўйидагича маълумот қолдирган: «Баҳорлар саҳроси ва шаҳри ва боми ва томи хўб сабз бўлур учун Шаҳрисабз ҳам дерлар» [2, 47]. Тошкент воҳасидаги энг катта гидроним бўлган Чирчик дарёсини ҳазрат Бобур «Бобурнома»да “Чир суй” деб атайди: “Султон Аҳмад мирзоким, Тошкандга мўғул устига черик тортиб, Чир суйиниким, Тошкандтин икки шеърий йўл бўлгай, бу сувнинг ёқасидаким шиқаст топти” [2, 11].

Бугунги кунда тиљшуносликнинг кенг ўрганиш соҳасига айланган топоними-кага нисбатан ўз даврида Бобурнинг жиддий масъулият ҳамда илмий муносабатда бўлганлигига «Бобурнома» асари далиллар. Албатта, топонимларнинг этимология-сига оид Бобур қолдирган маълумотларни чукур ва асосли илмий далилларга сунянилган ҳолда тўплланган, деб бўлмайди. Сабаби ҳар қандай этимология ҳам нисбийидир [3, 61].

Тақдир тақозоси ва талотуплари туфайли ҳазрат Бобур Тошкент воҳасидаги бир қанча жойлардан ўтган, ушбу худуддаги кўналғаларда бир муддат яшаган. Қаерларда тўхтаб ўтган ва бир фасл кўним топган бўлса, бу ҳақда асарда маълумот қолдиришга ҳаракат қиласди. Бу ҳақда «Бобурнома»да кўйидаги маълумотларни учратамиз:

Тошкент. “Тошкент” топонимининг келиб чиқиши ҳақида кўплаб илмий тадқиқотлар мавжуд ва ушбу номнинг пайдо бўлиш этимологияси борасидаги

тадқиқотларда қарама-каршиликлар ҳам бор. Бу ҳақда тадқиқотчи олимлар Бобоёрөв ва Кубатинлар қадимги манбаларга таянган ҳолда ўз илмий мақолаларида батағсил маълумот беришга ҳаракат қиласланлар [4, 168-182]. “Бобурнома”да “Тошкент” топонимини “Тошканд” тарзида ифодалаган, аммо ушбу топонимининг этимологияси ва маъноси ҳақида бирон изоҳ қолдирмаган: “Охир навбат келатургандаким, ул фурсаттга Тошканд вилояти Умаршайх мирзо тасарруфида эдиким, китобларда Шош битирлар, баъзи Чоч битирларким, “камони чочий” андин ибораттур, берди. Ўшал фурсаттин тарих тўқкуз юз секкизгача Тошканд ва Шохрухия вилояти Чигатой хонларининг тасарруфида эди” [2, 9].

Аргин. Бу уруғ Ўрта Осиёда қадимда яшаб келган ва Маҳмуд Кошғарийнинг «Девону луготит турқ» асарида қайд қилинган аргу қабиласининг ўзгинаси бўлса керак. «Бобурнома»да, ўзбек уруғларнинг дастлабки ёзма шажараси хисобланган ва Мулла Сайфиддин Ахсикандийнинг «Мажмуат-таворих» асарида келтирилган ўзбек златлари рўйхатида бу уруғ аргун шаклида қайд қилинган. Бу этоним мўгулча аргин (ўзаги арг – дурагай) сўзидан келиб чиққандир. Аргин (аргун) сўзи кирғиз тилида ҳозир ҳам ана шу маънони англатади.

Оҳангарон. Тошкент вилоятининг йирик шаҳарларидан бири. “Оҳангарон” топоними форсча-тожикча “оҳангар” – “темирчи” дегани, -он кўплик аффикси (“Оҳангарон” – “темирчилар” ). Оҳангарон топоними дастлаб Хожа Ахрори Валийнинг вақф ҳужжатларида (XV–XVI аср бошлари) - Сойи Оҳангарон, Дарёйи Оҳангарон шаклларида тилга олинган. Мўгуллар ушбу ҳудудларга бостириб келмасдан олдинги ёзилган манбаларда бу манзил Илоқ дарёси деб аталган. Бу водийда қадимдан темирчилик ривожланганлиги учун дарё Оҳангарон – “темирчилар” деб ном олган. Кейинчалик ушбу водийда ташкил топган шаҳарга ҳам Оҳангарон номи берилган. Захириддин Мухаммад Бобур “Бобурнома” асарида ушбу манзилни “Оҳангарон жулғаси” (водийси) деб ёзган: “Биз Оббурдан кўтали била ошиб, хон қошига Тошкандга мутаважжих бўлдук. Ушбу айёмда Танбал черик тортиб Оҳангарон жулғасига келди. Тошканд била Сайромнинг орасида Яғо (баъзи бир нусхасида Яғнон) деган кент ва яна бир неча кентгиналар бор. Иброҳим ота ва Исҳоқ отанинг қабри андадур” [2, 89].

Бобур Оҳангарон водийсидаги баъзи қишлоқ ва жой номларини ҳам асарда тилга олган: “Тошканѓа келиб бот-ўқ Султон Ахмад Танбалнинг устига Андижонга черик тортилиар. Кандирлик добонининг йули била мутаважжих бўлдилар. Оҳангарон жулғаси ета кичик хонни ва мени илгаррак айирдилар. Добондин ошиб Зиркон ва Карнон навоҳисида бир кун дим кўрдилар, черикларини ўттиз минг ченадилар” [2, 94].

Бўка. Қадимги турк тилида, ҳозирги баъзи бир туркий ҳалклар (қозоклар, кирғизлар) тилида “бўка” – “паҳлавон” деган маънони англатади. Бобур “Бобурнома”да “Бўка” топонимининг этимологик маъноси ҳақида куйидагица қизиқарли маълумот келтиради: “...Жонибек Дўлдой эди, Султон Малик Кошғарийнинг иниси эди. Султон Абусайд мирзо Самарқанд ҳукуматини ва Султон Ахмад мирзо ўз эшигининг ихтиёрини мунга бериб эди, муни эшик оқо қилиб эди. Ғарип ахлоқ ва авторлик киши экандур. Андин ғарип нималар хейли ривоят қилурлар. Ул жумладин бири будурким, Самарқанд ҳокими экан фурсатлар ўзбакдин элчи келур, ўзбак улусида бу элчи зўрга машҳур экандур. Ўзбак зўр кишини бўка дер эмиш. Жонибек дерким: Бўкамусен? Бўка бўлсанг, кел курашалинг” [2, 21]. Шунингдек, Бўка деган уруғ ҳам бўлган. Масалан, Қанглиларнинг бўка-канғли уруғи қайд қилинган. “Бўка” топоними “кудратли”, “паҳлавон” маъноларини билдириб, қадимги туркий қабила номидан

келиб чиққанлиги хақиқатга яқинроқ. Чунки, бу худудда Бўка, Муротали, Ачамайли каби бир қатор қабилалар яшаган. Ҳозир уларнинг номи ўзлари яшаган жой номлари билан аталади. Яъни, қабила, уруғ номларига қўйилган этонимлар йиллар ўтиши билан топонимга айланган. Тарихчи Й. Шаванин “Бўка” топонимини “доно, билим-дон” деб таржима қиласа бўлса, таникли рус олими Л.Н. Гумелев ҳамда хитой олими М.В. Хван бир қатор туркий унвонларни бирга ўрганиб. “Бўка” топоними маъносини “кудратли” деб таржима қиласа [5, 52-54].

Пискент. Дастрлаб араб географлари Истахрий, Ибн Ҳавқал, Муқаддасий (Х-ХII асрлар) асарларида “Бискат” шаклида тилга олинган, маҳаллий ҳалқ ҳозир ҳам Пискат дейди. У “бис” (тожикча “йигирма”) сўзидан келиб чиққан, деган фикрлар ҳам бор. Ҳазрат Бобур ушбу худудда ҳам бўлганлиги тўғрисида “Бобурнома”да қўйидагича маълумот ёзиб қолдирган: “Тонглasi Xўжанд суйини Ҳослар тўғрисидин муз устидин ўттук. Сувдин ўтуб тунқатиб, Пискентта келдук. Пискенттин кўчуб Охангарон кентларида уч-тўрт кун таваққуф қилдук. Самарқанддаги ошнолик била Мула Ҳайдарнинг ўғли Мумин Нўён қўқалтошни ва Ахмад Қосимни, яна баъзиларни оғизлагони чорлар, мен ким Пискенттин кўчтум, бу жамъ Пискента қолдилар. Бу жамоатка бир жар ёқасида сухбат берур. Биз келиб Охангарон кентларидин Сом-сийрак (баъзи бир нусхасида Сом-сарак) деган кентга туштук” [2, 88]. Бугунги кунда Сом-сарак деган ном билан атaluвчи кишлек Паркент туманида ҳам бор.

Ҳазрат Бобур яшаган пайтда ҳам Тошкент воҳаси мўғул хонлари билан туркий амирлар ва мирзолар ўртасида талаш бўлиб, қўлдан-қўлга ўтиб турган. Бу ерда турли этник гурухларга мансуб аҳоли истикомат қиласа. Турли ҳалқлар яшаган узок ўтмишли ўлканинг топонимлари ҳам лисоний ва хронологик жиҳатдан хилма-хил бўлиши табиий ҳол, албатта. Ўлклада қадимий номлар орасида сүфдий номлар ҳам учрайди. Ҳозирги Тошкент вилояти топонимларининг аксари қисми туркий (ўзбекча) номлардир. Худуддаги туркий топонимларнинг бир қисми бундан 10 аср олдинги ёзма манбаларда тилга олинган [6, 7, 8, 9].

Ўлкамизнинг бошқа худудлари сингари Тошкент вилояти топонимиясининг ҳам ўзига хос хусусияти шундаки, бу регионда тарихий этногенезис шаклланиши натижасида вужудга келган этнотопонимлар анчагина учрайди. Худудда яшаган қўплаб этник гурухларнинг аксари қисми вақт ўтиши билан регионда ўтроклашиб, бошқа уруғ ва қабилалар билан ассимиляцияга киришиши натижасида ўзларининг этник номларини унтуғланлар, лекин уларнинг этник номлари жой номлари (этнотопонимлар) шаклида бизгача сақланиб колган. Ҳозир вилоят худудида ўзбеклардан ташқари этник кўпчиликни ташкил қилувчи қозоқ, тожик ва кирғиз миллатига мансуб аҳоли ҳам қадимдан истикомат қилиб келади. Шунинг учун худуднинг топонимикаси ўрганилганда бу ерда қадимий номларни истисно қиласа этиологик жиҳатдан тожикча, қозоқча, кирғизча этник бирликлар номини англатувчи топонимлар ҳам кўплаб учрашига гувоҳ бўлиш мумкин.

Адабиётлар:

1. Захиридин Муҳаммад Бобур “Бобурнома” (ўзбек тилига табдил). – Тошкент: Ўқитувчи НМИУ, 2008. – 288 6.
2. Бобур З. М., “Бобурнома”. -Тошкент: Юлдузча, 1990. – 367 б.
3. А.Х. Арифбаев, С.К. Кораев. Ўзбек ҳалқи этногенезини ўрганишда этонимларнинг роли // «Ўзбек ҳалқининг келиб чиқиши: илмий-методологик ёндашувлар, этногенетик ва этник тарих» мавзусидаги Республика илмий-назарий семинар материалыни тўплами. Тошкент шаҳри 2004 йил 19-20 ноябрь, - 97 б.
4. Бабаяров Г. Б., Кубатин А. И. Древнетюркские топонимы Чаского (Ташкентского) оазиса // Историко-культурное наследие и современная культура. Сборник материалов международного научно-практического семинара «Историко-культурное наследие и современная культура». 30 ноября 2012 г. Алматы, 2012. – 322 ст.

5. Иномов О. Бўка тарихи ва унинг топонимининг келиб чиқиши ҳакида баъзи бир мулоҳазалар // Турон тарихи. - Тошкент, 2009. - №11 - III - Б. -267 б.
6. Абу Райхон Беруний. Таңланган асарлар. Том V/Қонуни Маъсудий. - Тошкент: Фан. 1973. -212 б.
7. Алимова Д. А., Филанович М. И. Тошкент тарихи. - Тошкент: Фан. 2009. - 185 б.
8. Бобоёров Ф. Чоч тарихидан лавҳалар. -Тошкент: Янги нашр, 2010 - 167 б.
9. Қораев С. Ўзбекистон вилоятлари топонимлари. - Т.: Ўзбекистон миллӣй энциклопедияси, 2005. -240 б.

#### РЕЗИОМЕ

Маколада Захириддин Мухаммад Бобурнинг “Бобурнома” асарида Тошкент вилояти топонимлари ҳакида ёзib колдирилган маълумотлар ҳамда мазкур топонимларнинг тарихий-этимологик маъноси ҳакидаги тадқиқотлар баён этилган.

#### РЕЗЮМЕ

В статье описаны сведения о топонимах Ташкентской области в произведении Захириддина Мухаммада Бабура «Бобурнома» и исследование историко-этимологического значения этих топонимов.

#### SUMMARY

The article describes the information about the toponyms of Tashkent region in Zahiriddin Muhammad Babur's work «Boburnoma» and research on the historical and etymological meaning of these toponyms.

## THE BASIC WAYS OF FORMING WORDS IN ENGLISH LANGUAGE

*Seytova D.U., Jumabayeva A.B. Tleybayeva G.M.  
KSU named after Berdaq*

**Tayanch so'zlar:** so'z, qoida, munosabatlar, affiks, so'zhosilqlish, taqsimlash, sahna, munosabatlar oddiy.

**Ключевые слова:** слово, правило, отношение, аффикс, словообразовательный, этап, отношения простой.

**Key words:** word, rule ,relation, affix, derivational, stage,relationship, simple.

Affixation is generally defined as the formation of words by adding derivational affixes to different types of bases. Derived words formed by affixation may be the result of one or several applications of word-formation rule and. Thus the stems of words making up a word-cluster enter into derivational relations of different degrees. The zero degree of derivation is ascribed to simple words, i.e. words whose stem is homonymous with a word-form and often with a root-morpheme (e.g. atom, haste, devote, anxious, horror, etc.). Derived words whose bases are built on simple stems and thus are formed by the application of one derivational affix are described as having the first degree of derivation (e.g. atomic, hasty, devotion, etc.). Derived words formed by two consecutive stages of coining possess the second degree of derivation (e.g. atomical, hastily, devotional, etc.), and so forth.

In conformity with the division of derivational affixes into suffixes and prefixes affixation is subdivided into suffixation and prefixation. Distinction is naturally made between prefixal and suffixal derivatives according to the last stage of derivation, which determines the nature of the immediate constituents of the pattern that signals the relationship of the derived word with its motivating source unit, e.g. unjust(un- + just), justify (just+- ify), arrangement (arrange+- ment), non-smoker (non-+smoker). Words like reappearance, unreasonable, denationalize, are often qualified as prefixal-suffixal derivatives. This classification is relevant only in terms of the constituent morphemes such words are made up of, i.e. from the angle of morphemic analysis. From the point of view of derivational analysis, such words are mostly either suffixal or prefixal derivatives, e.g. sub-atomic = sub - + (atom +

Т. Н. Қары Ниязий атындағы Өзбекстан педагогикалық  
илим-изертлеў институтының Ж. Орынбаев атындағы  
Қарақалпақстан филиалы

**«МУҒАЛЛИМ ҲӘМ ҮЗЛИКСИЗ  
БИЛИМЛЕНДИРИҮ» № 5**  
Нөкис — 2021

Басып шығыўға жуўапкер:

*A. Тилегенов*

Баспаға таярлаған:

*A. Тилегенов, Н. Абдукаримов*

Оригинал-макеттен басыўға рухсат етилди 5.10.2021. Форматы 60x84<sup>1/16</sup>  
«Таймс» гарнитурасында офсет усылында басылды.

Шәртли б.т.      Нашр. т.      Нұсқасы 2000. Бүйіртпа №

«NISO POLIGRAF» ШК босмахонасида босилди.  
Тошкент ш., X. Бойқаро, 51